

Халқаро Қуръон мусобақаси органини таъсис этиш масаласи муҳокама этилди



08:30 / 19.06.2019 1797

Жорий йилнинг май ойида Туркияда бўлиб ўтган VII-Халқаро Қуръон мусобақасида 68 давлат вакиллари қатнашди. Мусобақада қатнашган иштирокчилар Қуръони каримни ёд олишнинг фазилати бўйича жуда ҳам катта намуна кўрсатдилар.

Хабарларга қараганда, ушбу халқаро танлов доирасида Туркия ва Эрон расмийлари ўртасида бошқа давлатларнинг иштирокида бевосита Қуръони карим мусобақаларини ташкил этиш ва ўтказиш билан шуғулланадиган алоҳида халқаро миқёсдаги махсус орган таъсис этиш борасида фикр алмашилган. Маълум бўлишича, ушбу таклиф бошқа мамлакат расмий вакиллари томонидан маъқулланган.

Айтиб ўтиш жоизки, ҳар йили қарийб Осиё ва Африка ҳамда Европа давлатларида турли мақомдаги Қуръони карим мусобақалари ўтказиб келинмоқда.

Islom.uz портали таҳририяти